



УДК:

## СОҲАГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДАГИ ТАДҚИҚИ

**Каримов Камолдин Насриддинович**

*Андижон давлат чет тиллари институтининг*

*мустақил тадқиқотчиси,*

*e-mail: king230680@gmail.com*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада тил ва терминология масаласи, соҳага оид терминологиянинг лексикографик хусусиятлари, лингвистик тадқиқи, махсус терминографик ишларнинг тавсифи, ўзбек терминологиясини яратишда эришилган натижалар ва амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ҳақида маълумотлар келтирилган.*

*Шунингдек, мақолада терминологик системаларни ташкил қилиш ва терминологик луғатларни тузишга қуйилган талаблар тавсифий характерда берилган бўлиб, улар бўйича хулосалар умумлаштирилган.*

**Калит сўзлар:** *тил, терминология, лексикография, терминографика, изоҳли луғат, махсус луғат*

## ГЛОССАРИЙ ПОЛЕВЫХ ТЕРМИНОВ ИССЛЕДОВАНИЯ В ЛИНГВИСТИКЕ

**Каримов Камолдин Насриддинович**

*Самостоятельный соискатель Андижанского государственного*

*института иностранных языков,*


*e-mail: king230680@gmail.com*

**Аннотация:** *В данной статье представлен анализ словаря русского языка с объяснением некоторых научных, философских терминов, понятий, течений, направлений, теорий, учений, используемых в социально-политической и научно-популярной литературе, а также широко используемых в духовной жизни. Семантически философские термины, имеющие определенный терминологический характер, подразделяются на группы. Наблюдения за особенностями использования языка позволили увидеть источник национального своеобразия отдельных явлений духовной культуры, изучить реальные формы, в которых воплощаются подлинные черты народной культуры.*

**Ключевые слова:** *язык, терминология, лексикография, терминографика, толковый словарь, специальный словарь*

## GLOSSARY OF FIELD-RELATED TERMS RESEARCH IN LINGUISTICS

**Karimov Kamoldin Nasriddinovich**







*Independent researcher of  
Andijan State Institute of Foreign Languages  
Самостоятельный соискатель Андижанского государственного  
института иностранных языков,  
e-mail: king230680@gmail.com*

**Abstract:** *This article presents an analysis of the dictionary of the Russian language with an explanatory of some scientific, philosophical term, concepts, trends, directions, theories, teaching used in socio-political and popular science literature, as well as widely used in spiritual life. Semantically philosophical terms that have a certain terminological character are divided into groups. Observations of the peculiarities of the use of the language made it possible to see the source of the national identity of individual phenomena of spiritual culture, to study the real forms in which the true features of folk culture are embodied.*

**Key words:** *language, terminology, lexicography, terminography, explanatory dictionary, special dictionary*

## КИРИШ

Ўзбек тилшунослигида соҳага оид терминологиянинг лексикографик хусусиятларига бағишланган қатор тадқиқотлар мавжуд.

XX асрнинг 80-90 йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида терминологияни система сифатида тадқиқ этишга алоқида эътибор берилди. М.Нарзиева, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Р.Сафарова, Г.Неъматова, Ш.Искандарова кабиларнинг ишларида терминологик системаларни “тематик гуруҳ” нуқтаи назаридан тадқиқ этиш систем лексикологиянинг янада такомиллашувига, бу борадаги узлуксизликни таъминлашга хизмат қилиши мумкинлиги таъкидланган<sup>58</sup>.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, терминларни тизимий аспектда соф лисоний-соҳавий ёндашув асосида тадқиқ этиш бугунги кунда илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳаларида ўзаро интеграцияни мустаҳкамлаб, мамлакат иқтисодиётини ривожланишида тилшуносликнинг улкан хиссаси мавжуд эканлигини белгилаб беради.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ўзбек тилида лексикография ва терминология масалалари Н.Т.Ҳотамов, М.Э.Умархўжаев, Ҳ.А.Дадабоев, И.Х.Садикова, С.Х.Нурматова, О.Турсунова, П.П.Нишонов, О.С.Ахмедов, Д.Х.Кадирбекова, Ҳ.В.Мирзахмедова, С.Т.Мустафаева ва Д.И.Ходжаева<sup>59</sup> тадқиқотларида ўз аксини топган.

<sup>58</sup> Ахатова М. Ўзбек тили ёғочсозлик терминологияси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – 24 б. – Б. 6.

<sup>59</sup> Ҳотамов Н.Т.. Развитие узбекской литературоведческой терминологии в советский период: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук – М., 1971. – 28 с.; Умархўжаев М.Э. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук – М., 1972. – 25 с.; Умархўжаев М.Э. Основы







С.Муҳамедова ва муаллифлар жамоаси банк-молия терминлари<sup>60</sup> бўйича, С.Э.Нормаматов ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида жадид маърифатпарварларининг ўрни<sup>61</sup> масаласида, С.Т.Мустафаева хитойча-ўзбекча тилшунослик терминлари<sup>62</sup> бўйича махсус тадқиқотлар олиб боришган. Соҳавий терминларнинг лингвистик тадқиқи бир қатор олимларнинг ишида атрофлича таҳлил қилинган. Д.Х.Кадирбекова инглиз ва ўзбек тилларида ахборот технологиялари терминологияси<sup>63</sup>ни, П.П.Нишоновнинг француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи<sup>64</sup>ни амалга оширган.

Н.Маматов ўзбек пахтачилик терминлари луғатини тузиш<sup>65</sup> бўйича тавсиялар ишлаб чиққан. Р.Данияров техникага хос терминологияни, С.Усмонов гиппологик терминологияни, И.Пардаева заргарлик терминологиясини, О.Пулатова рақс санъати терминологиясини, З.Мираҳмедова анатомик терминологияни, Н.Усмонов ўзбек тилининг педагогик терминологиясини, И.Юлдашев ўзбек китобатчилик терминологиясининг шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш масаласини, Р.Нуритдинова ўзбек ономастикаси терминларининг лисоний таҳлилин, М.Аҳатова ёғочсозлик терминологиясини, Е.Ширинова банк-молия терминологиясини, З.Джурабаева экологик терминларни, Д.Базарова зоологик терминларни, А.Касымов фармацевтика терминологиясини, Х.Джамалханов ботаник терминология<sup>66</sup>ни махсус ўрганган.

фразеографии: Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – М., 1981. – 45 с.; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991. – 186 с.; Садыкова И.Х. Принципы составления англо-русско-узбекского учебного словаря юридических терминов: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1998. – 174 с.; Нурматова С.Х. Истоки формирования и функционирование астронавтико-космической терминологии в лексике английского, русского и узбекского языков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 2000. – 24 с.; Турсунова О. Ўзбек давлатчилиги тарихида қўлланган ҳуқуқий терминларнинг лисоний таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2007. – 26 б.; Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий типологик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2009. – 25 б.; Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол. фан. д-ри дисс. – Т., 2016. – 255 б.; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари: Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 44 б.; Мирзахмедова Ҳ.В. Форс тили транспорт терминларининг структур катламлари ва ясаиш усуллари: Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 45 б.; Мустафаева С.Т. Хитой тилшунослик терминологияси: Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 42 б.; Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари мисолида): Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2018. – 53 б.

<sup>60</sup> Muhamedova S. va b. Bank-moliya terminlarining o'zbek tilidagi izohli lug'ati. – Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020. – 157 b.

<sup>61</sup> Нормаматов С.Э. Ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида жадид маърифатпарварларининг ўрни: Филол. фанлари доктори дис. ... автореф. – Т., 2019.

<sup>62</sup> Mustafayeva S. Xitoycha-o'zbekcha tilshunoslik terminlari. – Toshkent: Fan va texnologiyalar Markazi, 2014. – 111 b.

<sup>63</sup> Кадирбекова Д.Х. Инглиз ва ўзбек тилларида ахборот технологиялари терминологиясининг лингвистик хусусиятлари. Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2016. – 128 б.

<sup>64</sup> Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2009. – 26 б.

<sup>65</sup> Маматов Н. Ўзбек пахтачилик терминлари луғатини тузиш юзасидан баъзи мулоҳазалар. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1963. №3. –Б. 51-55.

<sup>66</sup> Данияров Р. Техническая терминология узбекского языка на современном этапе. Дисс. ... д-ра филол. наук. – Т.: 1988. –336 б.; Усмонов С. Гиппологическая терминология современного узбекского языка. – Т.: Адолат, 1993. – 141 б.; Пардаева И.Х. Ўзбек тилининг заргарлик терминологияси. Филол. фанлари номз. дисс. ...







С.Акобировнинг бир қатор ишлари тил ва терминология масаласи<sup>67</sup>га бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

Хуқуқий терминлар бўйича ўзбек тилшунослигида салмоқли ишлар амалга оширилган. Хусусан, М.Қосимова<sup>68</sup>, Г.Ғуломова<sup>69</sup> ва Ш.Кўчимовнинг номзодлик<sup>70</sup> ва докторлик<sup>71</sup> диссертациялари шулар жумласидан. Масалан, М.Х.Қосимова ўзбек тилидаги хуқуқий терминларнинг систем-структур хусусиятларини ўрганган бўлса, Г.Ғуломова ўзбек юридик терминологиясини давр нуқтаи назаридан ўрганган, Ш.Н.Кўчимов қонун тилининг хусусиятларини, хуқуқий нормаларни ифодалашнинг илмий-назарий жиҳатларини тадқиқ этган.

Э.Собировнинг диссертациясида эса ўзбек тилидаги хуқуқий терминларнинг ўзбек тилининг изоҳли луғатларида берилиши, семантик тавсифини такомиллаштириш асосида уларни ўзбек тили миллий корпусида семантик теглаш лингвистик муаммоси очиб берилган ва илмий асосланган<sup>72</sup>.

Тадқиқотчи ўзбек лексикографиясида хуқуқий терминлар бўйича мавжуд махсус терминографик ишлар бўйича умумий хулоса шакллантирган; ўзбек тилининг изоҳли луғатларида (1981 ҳамда 2006–2008 йиллардаги нашрлар асосида) мавжуд юриспруденцияга оид терминлар ҳақида тавсифий маълумот тўплаган; хуқуқшуносликка оидликни ифодаловчи лексик помета берилган терминларнинг статистик, этимологик, шаклий-структур тавсифини келтирган; таҳлил натижасида аниқланган камчиликлар юзасидан изоҳли луғатни такомиллаштиришга хизмат қилувчи таклифлар берган; изоҳли луғатда хуқуқий терминлар изоҳини семантик таҳлил ва тавсиф қилиш асосида изоҳнинг такомиллашувига эришган; изоҳли луғатга киритиш учун терминлар

---

автореф. – Т., 1994. – 27 б.; Пулатова О.М. Истоки формирования и дальнейшего развития терминологии танцевального искусства узбекского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1992. – 23с.; Мирахмедова З. Ўзбек тилининг анатомик терминологияси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1986. – 27 б.; Усмонов Н. Ўзбек тилининг педагогик терминологияси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1994. – 24 б.; Юлдашев И. Ўзбек китобатчилик терминологияси: шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш. Филол. фанлари док-ри...дисс.автореф. – Тошкент, 2005. – 46 б.; Нуритдинова Р. Ўзбек ономастикаси терминларининг лисоний таҳлили. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2005. – 23 б.; Ахатова М. Ўзбек тили ёғочсозлик терминологияси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004. – 24 б.; Ширинова Е. Ўзбек тили банк-молия терминологияси. Филол. фан. бўйича фалсафа док-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 60 б.; Джурабаева З. Ўзбек тилида экологик терминлар. Филол. фан. бўйича фалсафа док-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 2018; Базарова Д. История формирования и развитие зоологической терминологии узбекского языка. – Ташкент, 1978; Касымов А. Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке. Автор. дисс...канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Джамалханов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии. Автор. дисс...канд. филол. наук. – Ташкент, 1966.

<sup>67</sup> Акобиров С. Тил ва терминология. – Т., Ўзбекистон КП МКнинг бирлашган нашриёти, 1968. – 39 б.; Терминология ишининг мазмуни ва вазифалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1964, №3. –Б. 31-39.

<sup>68</sup> Касимова М.Х. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1985.

<sup>69</sup> Ғуломова Г.Ё. Ўзбек юридик терминологиясининг истиклол даври тараққиёти: Филология фанлари номзоди ... диссертация: – Тошкент, 2005.

<sup>70</sup> Кўчимов Ш.Н. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили.: Филол. фанлари номзоди дис. ... автореф. – Т., 1995.

<sup>71</sup> Кўчимов Ш.Н. Хуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари (лингво-юридик таҳлил): Филол. фанлари доктори дис. ... автореф. – Т., 2004.

<sup>72</sup> Собирова Э. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да хуқуқий терминларнинг берилиши: Филол. фан. бўй. фал. док-ри (PhD) дисс... – Тошкент, 2022. – 179 б.







рўйхатини шаклантирган; терминлар учун иллюстратив мисолларни замон ва соҳа талабига кўра қайта танлаган; ўзбек тили миллий корпусида ҳуқуқий терминларни семантик теглаш бўйича моделлар яратиб, изоҳли луғат учун ҳуқуқий терминларни танлаб олиш мезонини ишлаб чиққан.

Ўзбек тилининг географик термин ва атамалари тадқиқи ҳам батафсил амалга оширилган. Бу борадаги тадқиқотлар, асосан, лексикографик, топонимик, диалектал характердадир. Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Қ.Хуррамов, З.Дўсимов, Т.Нафасов, С.Губаева, Б.Ўринбоев, Ш.Қодирова, Л.Каримова, Ё.Хўжамбердиев, Т.Рахматов, Ж.Латипов, Н.Охунов, Т.Эназаров, Н.Улуқов<sup>73</sup> каби олимларнинг ишларида чуқур таҳлил этилган. Уларнинг тадқиқотлари натижасида ўзбек тилининг географик терминларининг изоҳли, таржима луғатлари яратилди, терминларнинг лексикографик, диалектал ва ономастик талқинларига доир илмий-назарий асослар ишлаб чиқилди, ўзбек географик терминлари тизимининг тараққиёти ва барқарорлашувига катта ҳисса кўшилди. Ўзбек тилининг географик терминлари тизимий аспектда соф лисоний-соҳавий ёндашув асосида эса И.Исломов тадқиқотида махсус ўрганилди. Унинг ишида ўзбек тилининг географик терминологияси тизимий тадқиқ қилинган, генетик, семантик, идеографик структураси таҳлил қилинган, миллий тил корпуси ва ўзбек тилининг таълимий корпуси учун географик терминлар лингвистик базаси яратилган<sup>74</sup>.

Муаллиф тилнинг лексик қонуниятлари унинг терминологик системасида ҳам тўлақонли акс этишини таъкидлайди. Терминологик тизимда ҳам ўз ва ўзлашган қатлам фарқланишини, ўзбек тилининг географик терминлари ўз қатламида умумтуркий ва ўзбек тилининг умумлексик сатҳидан соҳавий бирлик мақомига ўтганлиги, умумистеъмол маънонинг ихтисослашуви натижасида терминологик маънога эга бўлган бирликлар мужассамлашган бўлса, ўзлашма қатламини бошқа тиллар, хусусан, араб, форс, рус, инглиз, француз каби хорижий тиллардан олинган ўзлашма лексема/терминлар ташкил қилишини илмий асослаб берган<sup>75</sup>.

<sup>73</sup> Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – 83 б.; Қараев С. Топонимия Узбекистана (социолингвистические аспекты). – Ташкент, 1991.; Qorayev S. Toponimika. – Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. – 320 b.; Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2005. – 240 б.; Нафасов Т. Топонимы Кашкадарынской области: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968. – 24 с.; Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 290 б.; Рахматов Т. Топонимия города Самарканда и его окрестностей: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1973. – С. 22; Қораев С.Қ. ва бошқ. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 156 б.; Хуррамов К. Узбекские народные термины, обозначающие рельеф южного Узбекистана: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1980; Абдиев С. Ўзбек тилининг соҳавий лексикасини тадқиқ этиш: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2003; Бегалиев Н. Самарқанд топонимияси. – Самарқанд, 2011. – 128 б.; Туробов А. Самарқанд вилояти этноойконимларининг таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 22 б.; Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи. – Самарқанд, 1997. – 202 б.

<sup>74</sup> Исломов И. ўзбек тилининг географик терминологияси: тизими, генезиси, семантик структураси ва лексикографик талқини: Филол. фан. док-ри дисс... – Қарши, 2021. – 210 б.

<sup>75</sup> Исломов И. ўзбек тилининг географик терминологияси: тизими, генезиси, семантик структураси ва лексикографик талқини: Филол. фан. док-ри дисс... – Қарши, 2021. – 210 б. – Б. 160.







## НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Ўзбек тилшунослигида терминология бўйича олиб борилган кенг доирадаги тадқиқотларга қарамай терминга таъриф бериш муаммоси долзарблигича қолмоқда. Термин ва атама тушунчаларига ЎТИЛда қуйидагича таъриф келтирилган:

**АТАМА** 1 айн. термин. 2 Умуман, ном. *Лекин шаманни ҳар бир халқ ўз тилидаги ном, атама билан юритиб келган. "Фан ва турмуш". Республикамизнинг ўзидагина 400 дан ортиқ турли-туман қовун атамалари мавжуд экан. "Фан ва турмуш"*<sup>76</sup>.

**ТЕРМИН** [лот. Terminus – чек, чегара] Фан, техника, касб-хунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси; атама. *Ботаника терминлари. Заргарлик терминлари. Пахтачилик терминлари. Йўлдош Элмуродга нотаниш терминларни тушунтира кетди. Шухрат, Шинелли йиллар. Терминлар илмий коммуникациядан жонли сўзлашувга ўтганда, халқ учун тушунарли сўзларга айлана боради. "ЎТА"*<sup>77</sup>.

Кўринадики, мазкур луғатда бу икки тушунча синоним сифатида қайд этилган. Ваҳоланки, термин сўзи маълум бир соҳада қўлланади, атама эса кенг тушунча бўлиб, барча нарса ва ҳодисанинг номи сифатида тушунилади. Баъзи манбаларда бу тушунчаларни фарқлаш бўйича қарама-қарши фикрлар мавжуд. Жумладан, "Термин сўзи ўрнида баъзан атама, истилоҳ сўзларини ишлатиш ҳоллари учраб туради. Аммо бу тўғри эмас. Атама термин сўзига нисбатан тор тушунчани ифодалайди. Истилоҳ сўзи эса арабчадир. Уни халқ тушунмайди ва меъёрга айланган эмас. Терминология масалалари ҳамиша тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Чунки терминларнинг соҳалар луғавий қатламларидаги ўрни ва вазифасини белгилаш, тушунчанинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш имконини беради"<sup>78</sup>.


Олим А.Ҳожиёвнинг "Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати" китобида эса термин билан боғлиқ қуйидаги тушунчаларга изоҳ берилган:

**ТЕРМИН** (лот. terminus – чек, чегара, чегара белгиси). Фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатилиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси; атама. Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади. Мас., лингвистик терминлар: *гап, эга, от, сон, товуш...*; геометрияга оид терминлар: *айлана, учбурчак...*; физикага оид терминлар: *жисм, босим, ҳаракат, майдон*; кимёга оид терминлар: *сув, кумуш, ишқор, тузлар* ва б.

<sup>76</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. 1-жилд. – 680 б. – Б. 135.

<sup>77</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2007. 4-жилд. – 608 б. – Б. 77.

<sup>78</sup> Khodjaeva D. Lexicographic analysis of linguistic terms (on the basis of materials of explanatory dictionaries of the English, Russian and Uzbek languages)//International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 2020/1/15, Issue 6.







**ТЕРМИНОЛОГИК ЛЕКSIKA.** Терминлардан иборат лексика.

**ТЕРМИНОЛОГИК ЛУҒАТ.** Маълум бир соҳага оид сўз-терминларни қайд этувчи луғат. (Мас., Ҳ.Ю.Бекмуҳаммедовнинг 1978 йилда нашр этилган “Тарих терминлари луғати”).

**ТЕРМИНОЛОГИЯ** (termin+logos – сўз, таълимот). 1. Бирор илм, касб ва б. соҳага оид терминлар мажмуи. Мас., грамматик терминология, санъат терминологияси ва б. 2. Тилшуносликнинг терминларни ўрганувчи бўлими<sup>79</sup>.

Мазкур лингвистик луғатда атама сўзи киритилмаган ва унга таъриф берилмаган. Бизнингча, олим атама сўзини лингвистик термин сифатида қабул қилмаган. Бу ўринда атама сўзи биз таҳлил этгандек, кенг тушунча сифатида тушунилган ва фақат термин сўзи билан боғлиқ ҳодисалар изоҳланган.

Тадқиқотчи Р.Нишонов терминга шундай таъриф беради: “Терминлар семантик жиҳатдан махсус соҳа доираси билан чегараланади ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирликдир”<sup>80</sup>.

О.Ахмедов эса: “...терминлар аслида лексик-семантик жиҳатдан умумдабий қолипга эга бўлиб, улар умумхалқ тилига муайян терминологик тизим орқали ўтади. Зеро, терминлар ва умумистеъмолдаги сўзлар бир-бирини тўлдирадиган лексик бирликлардир” – дея таъкидлайди<sup>81</sup>.

### ХУЛОСА


Хулоса сифатида қайд этиш керакки, ўзбек тилида соҳа терминологияси атрофлича тадқиқ этилган. Қуйидаги соҳа терминлари махсус монографик планда ўрганилган:

- 1) техникага оид терминлар;
- 2) заргарлик терминлари;
- 3) рақс санъати терминалогияси;
- 4) анатомик терминология;
- 5) педагогик терминология;
- 6) китобатчилик терминологияси;
- 7) ономастик терминлар;
- 8) ёғочсозлик терминологияси;
- 9) банк-молия терминологияси;
- 10) экологик терминлар;
- 11) зоологик терминлар;
- 12) фармацевтика терминлари;
- 13) ботаника терминлари;
- 14) солиқ-божхона терминлари;
- 15) юридик терминлар;

<sup>79</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – Б. 104. – 164 б.

<sup>80</sup> Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг киёсий-типологик тадқиқи. Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. –Т., 2009. –25 б.

<sup>81</sup> Ахмедов. О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Филол. фанлари докт. дис... автореф. –Тошкент, 2016. – Б.19.





- 16) ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси;
- 17) тилшунослик терминлари;
- 18) географик терминлар;
- 19) пахтачилик терминлари;
- 20) адабиётшунослик терминологияси;
- 21) астроавиакосмик терминология ва б.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, маълум бир соҳага оид сўзлар терминологик системани ташкил қилиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:<sup>82</sup>


- 1) салмоқли миқдорда бўлиши;
- 2) умумистеъмол сўзлари ва бошқа сатҳ терминларидан фарқ қилувчи хусусий маъноларга эга бўлиши ва ўз соҳаси учун муомала воситаси сифатида хизмат қилиши;
- 3) маълум мавзуй гуруҳларга бирикиши;
- 4) мазкур системанинг бошқа элементлари билан парадигматик муносабатларга киришиши;
- 5) умумий тил системаси ва бошқа терминологик система элементлари билан муносабатларга киришиши;
- 6) соҳа терминларини шакллантирган ва тараққий қилдирувчи усул ва манбаларга эга бўлиши лозим.

Тадқиқот объекти қилиб танлаган фалсафий терминлар мана шу талабларга тўла жавоб бера олади. Лекин терминларнинг ўрганилиши тарихида фалсафий терминларнинг махсус тадқиқот объекти бўлганини кузатмадик.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдиев С. Ўзбек тилининг соҳавий лексикасини тадқиқ этиш: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2003.
2. Ақобиров С. Тил ва терминология. – Т., Ўзбекистон КП МКнинг бирлашган нашриёти, 1968. – 39 б.
3. Аҳатова М. Ўзбек тили ёғочсозлик терминологияси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2004.
4. Ахмедов. О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Филол. фанлари докт. дис... автореф. – Тошкент, 2016.
5. Базарова Д. История формирования и развитие зоологической терминологии узбекского языка. – Ташкент, 1978.
6. Бегалиев Н. Самарқанд топонимияси. – Самарқанд, 2011.

<sup>82</sup> Ширинова Е. Ўзбек тили банк-молия терминологияси. Филол. фан. бўйича фалсафа док-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 60 б. – Б. 10.







7. Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Ташкент: Ёзувчи, 1991.
8. Данияров Р. Техническая терминология узбекского языка на современном этапе. Дисс. ... д-ра филол. наук. –Т.: 1988. –336 б.
9. Джамалханов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии. Автор. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1966.
10. Джурабаева З. Ўзбек тилида экологик терминлар. Филол.фан.бўйича фалсафа док-ри...дисс. автореф. –Тошкент, 2018.
11. Исломов И. ўзбек тилининг географик терминологияси: тизими, генезиси, семантик структураси ва лексикографик талқини: Филол. фан. док-ри дисс... – Қарши, 2021.
12. Кадирбекова Д.Х. Инглиз ва ўзбек тилларида ахборот технологиялари терминологиясининг лингвистик хусусиятлари. Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2016.
13. Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари: Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. –Т.: 2017.
14. Караев С. Топонимия Узбекистана (социолингвистические аспекты). – Ташкент, 1991.
15. Касимова М.Х. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1985.
16. Касимов А. Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке. Автор. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1982.
17. Кўчимов Ш.Н. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили.: Филол. фанлари номзоди дис. ... автореф. – Т., 1995.
18. Кўчимов Ш.Н. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари (лингво-юридик таҳлил): Филол. фанлари доктори дис. ... автореф. – Т., 2004.
19. Маматов Н. Ўзбек пахтачилик терминлари луғатини тузиш юзасидан баъзи мулоҳазалар. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1963. №3. –Б. 51-55.
20. Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомик терминологияси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1986.
21. Мирзахмедова Ҳ.В. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясаиш усуллари: Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2017.
22. Мустафаева С.Т. Хитой тилшунослик терминологияси: Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2017.
23. Нафасов Т. Топонимы Кашкадарынской области: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968.







24. Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий типологик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2009.

25. Нормаматов С.Э. Ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида жадид маърифатпарварларининг ўрни: Филол. фанлари доктори дис. ... автореф. – Т., 2019.

26. Нуриддинова Р. Ўзбек ономастикаси терминларининг лисоний таҳлили. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2005.

27. Нурматова С.Х. Истоки формирования и функционирование астроавиакосмической терминологии в лексике английского, русского и узбекского языков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 2000. – 24 с.

28. Пардаева И.Х. Ўзбек тилининг заргарлик терминологияси. Филол. фанлари номз. дисс. ... автореф. – Т., 1994.

29. Пулатова О.М. Истоки формирования и дальнейшего развития терминологии танцевального искусства узбекского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1992.

30. Рахматов Т. Топонимия города Самарканда и его окрестностей: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1973.

31. Садыкова И.Х. Принципы составления англо-русско-узбекского учебного словаря юридических терминов: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1998. – 174 с.

32. Собирова Э. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳуқуқий терминларнинг берилиши: Филол. фан. бўй. фал. док-ри (PhD) дисс... – Тошкент, 2022. – 179 б.

33. Терминология ишининг мазмуни ва вазифалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1964, №3. – Б. 31-39.

34. Туробов А. Самарқанд вилояти этноойконимларининг таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999.


35. Турсунова О. Ўзбек давлатчилиги тарихида қўлланган ҳуқуқий терминларнинг лисоний таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2007. – 26 б.;

36. Умархўжаев М.Э. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук – М., 1972. – 25 с.

37. Умархўжаев М.Э. Основы фразеологии: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 1981. – 45 с.

38. Усмонов С. Гиппологическая терминология современного узбекского языка. – Т.: Адолат, 1993.

39. Усмонов Н. Ўзбек тилининг педагогик терминологияси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 1994.







40. Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари мисолида): Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2018. – 53 б.
41. Хуррамов К. Узбекские народные термины, обозначающие рельеф южного Узбекистана: дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1980.
42. Ширинова Е. Ўзбек тили банк-молия терминологияси. Филол.фан.бўйича фалсафа док-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 2020.
43. Юлдашев И. Ўзбек китобатчилик терминологияси: шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш. Филол.фанлари док-ри...дисс.автореф. – Тошкент, 2005.
44. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988.
45. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 1-жилд. – 680 б.
46. Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи. – Самарқанд, 1997.
47. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2005.
48. Қораев С.Қ. ва бошқ. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.
49. Гуломова Г.Ё. Ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври тараққиёти: Филология фанлари номзоди ... диссертация: – Тошкент. 2005.
50. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – 83 б.
51. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – Б. 104.
52. Ҳотамов Н.Т.. Развитие узбекской литературоведческой терминологии в советский период: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук – М., 1971.
53. Khodjaeva D. Lexicographic analysis of linguistic terms (on the basis of materials of explanatory dictionaries of the English, Russian and Uzbek languages)//International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 2020/1/15, Issue 6.
54. Muhamedova S. va b. Bank-moliya terminlarining o'zbek tilidagi izohli lug'ati. – Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020.
55. Mustafayeva S.Xitoycha-o'zbekcha tilshunoslik terminlari. – Toshkent: Fan va texnologiyalar Markazi, 2014.
56. Qorayev S. Toponimika. – Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006.

